3.3. Чиқинди сақлаш қутилари жойлашган майдончалар ва чиқинди тўплаш қурилмаларига автомашиналарнинг эркин яқинлашишини ва чиқинди қутиларини доимо соз холда сақлашни таъминлаш.

3.4. ҚМЧни ўз вақтида ташиб чиқиб кетилишини доимий назорат қилиш, тасдиқланган йўналиш жадвали бузилган холларда 292 88 48 телефонига телефонограмма йўллаш орқали «Ижрочи»га маълумот бериш.

3.5. Бажарилган ишнинг ҳажмини "Ижрочи" нинг ҳужжатларида "Буюртмачи" вакилининг имзоси ва корхона муҳри билан тасдиқлаб бориш.

3.6. Хар ойнинг бошида ўтган ойда бажарилган иш ҳажмини бажарилганини кўрсатувчи ҳисоб далолатномасини расмийлаштириш.

## 4. «Ижрочи»нинг мажбуриятлари

4.1. Алоҳида шартнома асосида "Ижрочи" "Буюртмачи"га чиқинди йиғиш қутиларни бегараз фойдаланиш учун топширилди.

4.2. «Буюртмачи» худудидан ҚМЧ ташланадиган махсус қутилардан махсус автомашинларда жадвал асосида чиқиндиларни олиб чиқиб кетилишини таъминлаш.

4.3. «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан қўшимча тўлов хисобига курилиш ва йирик ҳажмдаги чиқиндиларни, шох-шаббаларни олиб чиқиб кетиш учун транспорт ажратиш.

4.4. «Буюртмачи» томонидан ҚМЧни ўз вақтида олиб чикиб кетилмагани тўғрисида маълумот келиб тушгандан сўнг 1 кун муддат ичида «Буюртмачи» ҳудудидан чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш.

4.5. Бириктирилган йўналишда санитар тозалик назоратини олиб бориш.

## 5. Томонларнинг жавобгарликлари

5.1. «Ижрочи» томонидан ҚМЧ келишилган вақтда олинмаган тақдирда «Буюртмачи» (90)9224965 телефон орқали «Ижрочи»нинг вакилини далолатнома тузиш учун чақиртириши керак.

Агар "Ижрочи" ушбу хабарномадан сўнг ўз вакилини далолатнома тузиш учун юбормаса, ёки 24 соат ичида ҚМЧ олиб чиқиб кетилмаса, "Буюртмачи" жамоатчилик иштирокида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома айбдорга нисбатан шартномада кўрсатилган жазо турларини қўллаш учун асос ҳисобланади.

5.2. "Ижрочи" ўз вактида ҚМЧ олиб чикиб кетмаганлиги учун икки томон вакиллари томонидан имзоланган далолатнома асосида хар бир кун учун олиб чикиб кетмаган ҚМЧ ҳажми қийматидан 0,5% миқдорида, лекин умумий сумма бажарилмаган иш суммасининг 50%дан ошмаган миқдорда "Буюртмачи"га пеня тўлайди.

5.3. «Буюртмачи» шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирилган хар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4% миқдорида, лекин кечиктирилган тўловнинг 50%идан ошмаган миқдорда «Ижрочи»га пеня тўлайди.

5.4. Жарима ва пеня тўлаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

## 6. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

6.1. Шартномани бажариш пайтида юзага келган муаммолар томонларнинг ўзаро музокаралари орқали ҳал қилиниши мумкин бўлмаган ҳолларда иқтисодий суди томонидан ҳал қилинади.

6.2. Томонларнинг манзили, корхона номи, ҳисоб рақами ўзгарган тақдирда ҳамда ҚМЧ ҳажми ўзгаришига таъсир этувчи омиллар пайдо бўлганда бир томон иккинчи томонга 10 кун ичида ёзма маълумот беради.

6.3. Шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган ҚМЧнинг ҳажми "Буюртмачи"нинг айби билан тақдим этилмаса, ёки "Буюртмачи" "Ижрочи"нинг юк ташиш ҳужжатларини расмийлаштиришдан бош тортса. "Ижрочи" жамоатчилик вакили иштирокида далолатнома тузади. Ушбу далолатнома иш тўлиқ миқдорда бажарилди деб ҳисобланишига ва тўлиқ миқдорда тўлов амалга оширилишига асос бўлади.